

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 30 » сентябрь 20 19 у.

№ 821

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон ҳамда “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 16 январдаги ПҚ–4119-сон қарорлари)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон ҳамда “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 16 январдаги ПҚ–4119-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 30 сентябрдаги 321-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари ректорларини давлат аттестациясидан ўтказиш тўғрисида” 2000 йил 16 августдаги 325-сон қарорининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“4. Аттестация жараёнини адолатли ва ҳолисона ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан биргаликда ҳар йили август ойида олий таълим муассасалари рейтинги ҳақидаги маълумотни Республика комиссиясига тақдим этсин.”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги 400-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат стандартининг “II. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига қўйиладиган талаблар” бўлимининг 2.6-кичик банди еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ташқи назорат – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади;”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда) билан тасдиқланган “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”нинг “Кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш” бўлимининг 8.1-кичик банди олтинчи хатбошидаги “Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 19-сон, 137-модда) 3-бандидаги “Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 104-модда) 6-банди биринчи хатбошисидаги “Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-7-сон, 39-модда):

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

“Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмаси” бўлими саккизинчи хатбошисидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш” бўлими 11.2-кичик банди иккинчи хатбошисидаги “Давлат тест марказининг кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларни ва таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш бошқармаси” сўзлари “Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмасидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмасидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

Олий таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тузилмасидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 8-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан

фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхати 117-118-позицияларининг “Масъул давлат органлари” устунидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 10 сентябрдаги 190-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 37-38-сон, 384-модда) 4-банди биринчи хатбошисидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 33-сон, 312-модда) билан тасдиқланган Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари тўғрисидаги низомнинг 18-бандидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 йил, 52-сон, 565-модда):

а) 1-илованинг 62-банди “в” кичик банди ва 66-банддаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 38-банди тўртинчи хатбошисидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 йил, 47-сон, 489-модда) билан тасдиқланган Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. Апостиль қўйиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун:

таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида;

бошқа ҳужжатлар бўйича – ваколатли давлат органлари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза берувчи берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Апостиль қўйиш рад этилган тақдирда ушбу Низомга мувофиқ рад этиш тўғрисидаги билдиришнома рад этиш сабаблари ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб такроран кўриб чиқиш учун расмий ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат (30 календарь кун) кўрсатилган ҳолда ариза берувчига ёзма шаклда юборилади (топширилади). Ариза такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади.

Апостиль қўйиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича йиғим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ҳамда қуйидаги тартибда тақсимланади:

60 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳисоб рақамига;

40 фоизи – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига;

б) бошқа ҳужжатлар бўйича ваколатли давлат органларининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

25 фоизи – ваколатли давлат органининг ҳисоб рақамига;

75 фоизи – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига.

Апостиль қўйилганлиги учун ҳужжатлар тўплами мавжуд бўлган тақдирда йиғим айна бир ишга тегишли бўлган ҳар бир ҳужжат учун эмас, балки бутун тўплам учун ундирилади.

Апостиль қўйиш учун мурожаат қилган давлат органи ёки бошқа давлат ташкилоти йиғим тўлашдан озод қилинади.”.

б) 42-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Ваколатли давлат органлари томонидан расмий ҳужжатларнинг нусхалари жойлаштирилган ҳужжатлар йиғмажилди бир йил давомида сақланади, сўнгра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.”.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги 242-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 йил, 33-34-сон, 389-модда) билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тўғрисидаги низомнинг 14-банди тўртинчи хатбошисидаги ва 90-банддаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 йил, 11-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомнинг 33-банди еттинчи

хатбошисидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 йил, 14-сон, 230-модда) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартининг 21-бандидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 18 июлдаги 515-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 йил, 29-сон, 698-модда):

а) 2-бандда:

саккизинчи хатбошисидаги “таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари” сўзлари “таълим ва фан соҳаси ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари рейтингини тузиш ва расман эълон қилиш;

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш;

дунёнинг етакчи рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва миллий олий таълим муассасаларининг ушбу рейтингларга киришига ҳар томонлама қўмаклашиш”;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.”.

в) 4-банднинг иккинчи хатбошисига “вазирга,” сўзидан кейин “бошлиқнинг биринчи ўринбосари вазирнинг биринчи ўринбосарига,” сўзлари қўшилсин;

г) 5-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи-бешинчи хатбошилар қўшилсин:

“педагог кадрларга биринчи ва олий малака тоифаси, етакчи ва бош ўқитувчи лавозими бериш, шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида ушбу малака тоифасига ва лавозимига талабгорларга малака тоифасини беришда тўланадиган йиғимлардан тушадиган маблағлар;

Давлат инспекциясининг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан тушган маблағлар;”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

д) 15-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Давлат инспекциясига 6 та, шу жумладан, 4 та бириктирилган ва 2 та навбатчи автотранспорт воситасига лимит ажратсин”;

е) 1-иловада:

8-бандда:

саккизинчи хатбошисидаги “таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари” сўзлари “таълим ва фан соҳаси ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари рейтингини тузиш ва расман эълон қилиш;

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш;

дунёнинг етакчи рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва миллий олий таълим муассасаларининг ушбу рейтингларга киришига ҳар томонлама қўмаклашиш”;

9-бандда:

“ж” кичик банднинг биринчи хатбошисидаги “илмий-тадқиқот муассасалари” сўзлари “фан соҳаси ташкилотлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

“з) Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари рейтингини тузиш ва расман эълон қилиш соҳасида:

таълим муассасалари рейтингини аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш, таълим муассасаларида назорат ишлари ва ижтимоий сўровномалар ўтказиш;

тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда рейтингни аниқлашга оид маълумотларни тўплаш мақсадида ишчи гуруҳлар ва комиссиялар тузиш;

таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосида таълим муассасаларининг рейтингини ҳисоблаб чиқиш;

таълим муассасалари рейтингига оид маълумотлар асосида таълим муассасалари фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида кенг жамоатчиликни доимий хабардор қилиб бориш;

таълим муассасаларининг рейтингини натижаларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва Давлат инспекциясининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштириш;

таълим муассасалари рейтингини натижалари асосида таҳлилий материаллар тайёрлаш ва чоп этиш.

и) ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш соҳасида:

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этиш ва унинг манфаатларини ифодалаш;

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда умумий ўрта таълим муассасаларининг муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш;

умумий ўрта таълим муассасаларидаги иқтидорли педагог кадрлар халқаро баҳолаш дастурлари бўйича илмий тадқиқотларда фаол иштирок этишини ташкил этиш юзасидан зарур чоралар кўриш;

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотлар асосида умумий ўрта таълим муассасаларида тизимли мониторинг олиб бориш ҳамда илғор тажрибани дунё миқёсида оммалаштириш ишларини мувофиқлаштириш;

к) дунёнинг етакчи рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва миллий олий таълим муассасаларининг ушбу рейтингларга киришига ҳар томонлама кўмаклашиш соҳасида:

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланишига кўмаклашиш;

миллий олий таълим муассасаларида халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани кўллаш орқали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

миллий олий таълим муассасаларини халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг рейтингига киришига кўмаклашиш учун дунёнинг етакчи рейтинг ташкилотлари билан биргаликда семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этиш;

миллий рейтингда юқори ўринларни эгаллаган олий таълим муассасаларининг тажрибасини оммалаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва кенг тарғиб қилиш;

рейтинглар тузиш бўйича дунёнинг етакчи рейтинг ташкилотлари методологияси ва халқаро тажрибаси ҳақида таҳлилий материаллар тайёрлаш ва чоп этиш”;

10-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

“таълим муассасалари рейтингини аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш, таълим муассасаларида назорат ишлари ва ижтимоий сўровномалар ўтказишда бевосита иштирок этиш;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда ўқувчиларнинг иштирок этишини ташкил этиш;

таълим муассасаларининг халқаро ташкилотлар ва хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлиги масалаларини мувофиқлаштириш”;

14-бандда:

иккинчи хатбошисига “озод қилинадиган” сўзларидан кейин “биринчи ўринбосари ва” сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошисига “тегишли равишда” сўзларидан кейин “вазирнинг биринчи ўринбосарига ва” сўзлари қўшилсин;

16-бандга “унинг” сўзидан кейин “биринчи ўринбосари ва” сўзлари қўшилсин;

18-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи-бешинчи хатбошилар қўшилсин:

“педагог кадрларга биринчи ва олий малака тоифаси, етакчи ва бош ўқитувчи лавозими бериш, шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларида ушбу малака тоифасига ва лавозимига талабгорларга малака тоифасини беришда тўланадиган йиғимлардан тушадиган маблағлар”;

Давлат инспекциясининг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан тушган маблағлар;”;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“20. Давлат инспекцияси бошлиғининг қарорига мувофиқ Давлат инспекцияси раҳбарлари ва ходимларига улар лавозим маошининг 200 фоизигача миқдорда ойлик устамалар белгиланиши, моддий ёрдам кўрсатилиши, хизмат вазифаларини виждонан ва ташаббус кўрсатиб бажарганлиги учун мукофотланиши мумкин”;

ж) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.